

Замонавий касбий компетенцияли ўқитувчи таълим, жамият ривожланишининг асосий объекти

Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, ректори п.ф.н., доцент М.Абдуллаева,

“Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедрa мудири
пс.ф.н.Н.Қосимова.

Жамиятнинг нормал фаолияти ва ривожланиши жараёнида таълим ижтимоий институти муҳим ўрин эгаллайди. Авлод-аждодлар меҳнати маҳсули бўлган билим, қадрият, тажриба, анъаналар келажак авлодга кейинги маънавий-маданий тараққиёт учун етказилиши зарур. Олдинги давр меросини эгалламасдан туриб, мавжуд маданиятни сақлаб қолиш ва мукаммаллаштиришнинг иложи йўқ. Инсонларни ижтимоийлашув жараёни орқали ижтимоий норма ва қадриятларга мослаштириш, ўргатиш мумкин. Таълим институти айнан шундай функцияни бажаради. У ҳар бир жамиятда мустақил тизим сифатида намоён бўлиб, билимлар, қадриятлар, касбий кўникмалар, хулқ-атвор нормаларига жамият аъзоларини тизимли сабр билан ўргатиш ва ўқитиш воситаси сифатида кўрилади. Кўп ҳолларда берилаётган ушбу билим, кўникма, қадриятларнинг кўлами, сифати ва етказилиш тезлиги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва моддий-техник тараққиёти билан белгиланади. Республикамизда тараққиёт жадал суратлар билан ривожланмоқда, ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастуриларида ялпи ички маҳсулот даромадидан 8% и таълим тизимига ажратилаётганлигини ўзимиз кўриб турибмиз.

Социология фанида формал ва ноформал таълим ўртасида чегара ўрнатилган. Формал таълим энг аввало махсус ташкил этилган муассасаларни (мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, малака ошириш институтлари ва б.), ноформал таълим эса индивиднинг ўзи яқин дўстлари, танишлари, тенгқурлари ёки ОАВ ва шу кабилардан информация олишни назарда тутди. Давлат ўз фуқароларини формал таълим билан таъминлашга маъсул ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган

бўлсак, таълим тизимининг долзарблиги ва эътибор қаратиш лозимлиги ибтидоий жамоа тузумидан, hozirги замонга қадар бўлган эволюциясининг натижаси эканлигини кўриш мумкин.

Ибтидоий жамоа тузумида таълим бевосита ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ажралмас бўлаги бўлагн. У даврда мактаблар ва ўқитувчилар бўлмаган, маданий мерос, кўникмалар жамиятнинг барча аъзолари томонидан ўзаро фаолият натижасида берилган ва ўзлаштирилган. Кейинчалик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида вужудга келган ижтимоий меҳнат тақсимоти, ижтимоий тенгсизлик ва давлат хокимияти таълим институтининг шакллана бошлашига тўртки бўлган. Қадимги Юнонистон ва қадимги Римда фалсафа, грамматика, санъат, адабиёт, спорт, мусиқа, ҳуқушунослик, тиббиёт кабилар ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилган бўлиб, улар фақатгина бой табақа вакилларининг фарзандлари учун мўлжалланган эди. Баъзи ҳолларда бу табақа вакиллари билан ўқитувчилар индивидуал равишда уйларида шуғулланишган. Бу ҳолат фақат тор гуруҳдаги инсонларгина таълим олиш имкониятига эга бўлишганидан далолат беради. Шарқ мамлакатларида ҳам аналогик ҳолатни кўриш мумкин. Бироқ бундан мустаснолар ҳам мавжуд. Қадимги Хитойда Конфуций даврида таълим ҳамма учун очиқ бўлган ва жамият аъзоларининг барча табақа вакиллари бир хил мактабларда ўқитилишган ва имтихонлардан яхши натижалар билан ўтганлар ўқишни давом эттиришган. Бу ҳолат инсонларга ўз қобилиятлари натижасида юқори давлат лавозимларини эгаллаш имконини берган. Таълим тизимининг шундай ташкил этилгани ўша даврда Хитойнинг ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлган.

Ҳозирги замон таълим тизимининг ажралиб турувчи хусусияти барча учун очиқлиги, яъни тенг имкониятларнинг мавжудлиги. Олдинги даврда таълим тизими моҳияти мавжуд маданият, тажриба, билимларни сақлаб қолиш ва ишлаб чиқаришга қаратилган бўлса, замонавий жамиятда таълим

институти маданий ва ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим фактори сифатида намоён бўлмоқда.

Таълим тизимида марказий ўринни ўқитувчи эгаллайди. Ўқитувчи ролининг адекват бажарилиши учун у фан ва маданиятнинг маълум бир соҳасида мутахассис бўлиши, лекторлик ва аудитория билан мулоқот қилиш қобилиятининг мавжудлиги, ўқитиш методикасига эгаллиги (мустақил таълим олиш методларини ўргатиш, қийин саволларни тушунтира олиш, хатоларни кўрсатиш ва б.), таълим олувчиларни объектив баҳолай олиши керак. Шу қабилар асосида таълим олувчилар уни баҳолашиб, ўз муносабатларини билдиришади.

Таълим берувчи ва олувчи ўртасидаги муносабатлар таълим жараёнида марказий ўринни эгаллайди. Бу муносабатларда одатда, улардан бири юқори, иккинчиси қуйи статусга эга. Ўқитувчининг юқори статусга эгаллиги унинг ўқув жараёнини ташкил этиши ва бошқариши, ўқувчиларнинг билим манбаи ва ахлоқий авторитети эканлиги билан изоҳланади. Бу ерда таълим берувчи шахснинг фаолияти ўзида мавжуд билим ва кўникмаларни етказиб бериш, таълим олувчиники эса берилаётган информацияни ўзлаштиришдан иборат бўлгани учун юқорида айтиб ўтилган статуслар жойлашуви вужудга келган. Бироқ, замонавий ўқитувчининг компетенцияли ёндашуви асосида индустриал жамият янги типдаги ишлаш усулларини топиш талаб этилаяпти. У ўқитувчи, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ёки бошқа касб вакили бўлишидан қатъий назар ҳар соҳада компетенционал тизим яъни, ташаббускорлик, ижодкорлик, дадил ва ностандарт қарорлар қабул қилиш, инновациялар ва уларнинг маъанвий-маданий, ижтимоий оқибатларга мослашиш қабилар кутилади.

Компетенциявий, ноанъанавий усулда таълим бериш қуйидагилар билан характерланади:

1. Билим бериш жараёни ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро мунозарада ва бахс орқали аниқ муаммоларни ечиш билан алмаштирилади;
2. Берилаётган билимларнигина ёдда сақлаб қолиш эмас, балки турли информацияларга эга бўлишни назарда тутлади;
3. Ўқитувчи ва билим олувчи муносабатлари ўзаро информация алмашиш жараёнига айланади;
4. Таълим жараёнида ташаббускор ва бошловчи таълим олувчи бўлади;
5. Ўқитувчи ва билим олувчи ўртасидаги муносабатлар тенг ёки навбатма-навбат доминантлик хусусиятига эга;
6. Таълим берувчи ролида фақатгина ўқитувчи эмас, балки мухим информацияга эга бўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таълим соҳасида фаолят кўрсатаётган мутахассис етарли даражада билим, кўникма, тажрибага эга бўлиши давлат ва жамият тараққиётига ижобий характердаги натижаларга эришади.